

ШАРТНОМА № 17/1

Андижон ш.

«20» декабрь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «PREMIUM TECHNO MEBEL» МСНҲ номидан раҳбар **З.Мадрахимов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Ҳаридор" деб юритилувчи **Андижон вилояти Олтинкўл туман 45-ДИМИ** номидан раҳбар **Г.Зокиров** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Ҳаридор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган маҳсулотларни етказиб бериш, «Ҳаридор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олади.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **ҚҚС суммаси 1 728 261** билан **13 250 000** (ўн уч миллион икки юз эллик минг) сўми ташкил этади. Етказиб бериладиган маҳсулотлар қуйидагича:

№	Лот рақами	Маҳсулот (товар)номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма
1	22110012208300	Журнал	шт	200	39 500	7 900 000
2		Журнал	шт	100	14 500	1 450 000
3		Папка	шт	200	19 500	3 900 000
жами:						13 250 000

2.2. Ҳисоб-китоб «Ҳаридор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. «Ҳаридор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30%,ни олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5. «Ҳаридор» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 3 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Ҳаридор» га етказиб беради.

2.6. **Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» ҳисобидан қопланади.**

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Ҳаридор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Ҳаридор"дан талаб қилиш.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти қонун ҳужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, харидор бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.5. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун харидор етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.6. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик-товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун харидор етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

6. Форс — мажор

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади ва иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

8. Шартнома муддати

8.1. Шартнома "Харидор" ва "Етказиб берувчи" томонидан имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва **2022 йил "31" декабрга** қадар амал қилади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«Етказиб берувчи»

«Харидор»

«PREMIUM TECHNO MEBEL» МСНҲ
Манзил: Андижон вилояти, Булакбашинский район М.Исмоилий МФЙ
ИНН: 305416008
х/р: 20208000900863697001
Банк: АНДИЖОН Ш., АТ ХАЛК БАНКИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
МФО: 00649

Андижон вилояти Олтинкўл туман 45-ДИМИ
Манзил: Олтинкўл туман Кўштепасарой КФЙ
Ш.х.в: 100021860032027092300075007
ИНН: 200254747
Ўзб. Респ. Молия ваз. Ҳазначилиги
Ҳазна х/р: 23402000300100001010
Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар:  З.Мадрахимов

Раҳбар:  Г.Зокиров

Юрист: 